

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“КИНОТЕЛЕОПЕРАТОРЛИК” ЙЎНАЛИШИ**

**“Хорижий илғор таълим инновацияларини кинооператорликка тадбик  
этиш”**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент 2021

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2021 йил 28 февралдаги – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

<b>Тузувчи:</b>	“Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати” кафедраси мудири, профессор в.б Мелиқўзиев Иқбол Мамасодикович
<b>Тақризчилар:</b>	Жанубий Корея Республикаси Конгук университети профессори, PhD Ким Ин Ог
	А.Исмоилов – ЎзДСМИ “Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати” кафедраси профессори

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кенгашининг 2021 йил 28 февралдаги -сонли қарори билан нашрға тавсия қилинган.

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	8
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	20
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	55
V. ТЕСТЛАР .....	66
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	86
VII. ГЛОССАРИЙ .....	93
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	93

## I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Хорижий илғор таълим инновацияларини кинооператорликка тадбиқ этиш” модулининг мақсади:**

педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, қўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

**“Хорижий илғор таълим инновацияларини кинооператорликка тадбиқ этиш” модулининг вазифалари:**

- “Кино-телеоператорлик” йўналишида педагог кадрларининг касбий билим, қўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиши жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Кино-телеоператорлик” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари хамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

**“Хорижий илғор таълим инновацияларини кинооператорликка тадбиқ этиш”** модулининг ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- фотокомпозиция модулини ўқишидаги анъанавий ва замонавий ёндашувларни таққослашни;
- махсус анимацион фильм тасвирга олишнинг энг замонавий технологиялари ва усулларини;
- махсус монтаж бўйича дунё кинематографияси томонидан фойдаланилаётган ҳозирги вақтдаги мураккаб монтаж дастурларини;
- тасвирий образ яратиш устида ишлашнинг замонавий технологияларини;
- фототасвирга олишда илғор хорижий тажрибаларни;
- телевидение ва кино санъати соҳасида турли анимацион фильм ва мультфильмлар яратишни;
- монтаж системалари, унинг техник имкониятларини;
- Республика ва жаҳон кино-телеоператорлик мактабларидағи инновацияларни **билиши** керак.
- фотокомпозиция модулини ўқитишида замонавий методларнинг афзалликларини таҳлил қилиш;
- драматургик тасвирий ечим, тарихий, архитектура, табиат ва турли хил жанрдаги фотографияларни илмий-ижодий таҳлил этиш;
- фотокомпозиция фанининг илғор хорижий тажрибаларидан фойдаланиш;
- анимацион фильмларда мавжуд тасвирий имкониятлардан фойдаланиш;
- турли монтаж системалари, унинг техник имкониятлари хамда амалиётда қўллаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

- миллий кино-телеоператорлик мактаби ижодий методларини ажратадилиш;
  - барча тасвирга олиш техникаларидан мукаммал фойдалана олиш;
  - фотокомпозициянинг янги қирраларини таҳлил қилиш;
  - кинокадр яратишда шаклланиб келган ўқув-амалий жараёнларини тўлиқ ўзлаштириш;
    - иш юритишнинг илгор, замонавий усулларидан фойдалана олиш;
    - кино соҳаси ташкилотларини стратегик бошқариш **малакаларига** эга бўлиши зарур.
  - хорижий инновацион ёндашув методикасини фанга тадбиқ қилиш;
  - узоқ тарихга эга ўзбек рассомлари ишлари, композиция яратишдаги методлари, тажрибаларидан амалий машғулотларда фойдаланиш;
  - фототасвирга олишда илгор хорижий тажрибаларни қўллаш;
  - фотокомпозицияда янги кашф этилган композицион услубларни амалиётда ишлатиш;
  - мураккаб жанг саҳналарини, оммавий саҳналарни, катта хореографик композицияларни саҳналаштириш, тасвирга олиш жараёнини замонавий технологиялар ёрдамида акс эттириш;
  - кинематографияни молиялаштиришнинг хорижий тажрибасини таълим тизимида қўллаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Хорижий илгор таълим инновацияларини кинооператорликка тадбиқ этиш”** модули ҳозирги кунда таълимнинг замонавий методлари, ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, шунингдек анъанавий ва замонавий дирижёрлик асарларидан ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ижрочилик малакаларини шакллантириш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Хорижий илгор таълим инновацияларини кинооператорликка тадбиқ этиш” модули мазмуни ўқув режадаги “Тасвирий эфектлар ва постпродакшнда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш” “Фотокомпозиция лойиҳаларини яратишда инновацион технологияларни қўллаш”, “Махсус ва мураккаб монтажларда илгор инновацион ва педагогик технологияларидан фойдаланиш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида номоддий маданий мероснинг ўрганилишини таъминлаш, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Тингловчининг ўқув юкламаси, соат</b>			
		Жами	назарий	амалий	кўчма
1.	Таълим жараёнидаги замонавий техник таъминот. Фильмларни тасвирга олишнинг илғор услубиётлари	2	2		
2.	Республика ва жаҳон кино-телеоператорлик мактабидаги инновациялар.	2	2		
3.	Тасвирга олиш кинокамераларнинг замонавийлашуви.	2		2	
4.	Тасвирий образ яратиш устида ишлашнинг замонавий технологиялари.	2			2
5.	Яратилган метод ва тамойиллар асосида фильмларини ишлаб чиқиши, илмий ва амалий жараёнлар тараққиётини белгилаш.	2		2	
6.	Махсус эфектлар ва уни шакллантириш услубиёти. Постпродакшн воситаларнинг уйғунлиги. Таълим жараёнига киритилган назарий ва амалий услублар янгиликлар ва уларнинг бадиий тасвирий композицияси.	2			2
7.	Замонавий кино-телоператорлик маҳорати ижодий мактаблари.	2		2	
8.	Кино-телеоператорлик фанларида ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижалари. Драматургик тасвирий ечим, тарихий, архитектура, табиат, ва турли хил жанрдаги фотографияларни илмий-ижодий таҳлиллар қилиш.	2		2	
9.	Кино-телеоператорлик маҳорати фанларини ўқитища компьютер технологияларининг аҳамияти. Миллий кино-телеоператорлик мактаби ижодий методлари	2			2
<b>Жами:</b>		<b>18</b>	<b>4</b>	<b>8</b>	<b>6</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Таълим жараёнидаги замонавий техник таъминот. Фильмларни тасвирга олишнинг илғор услубиётлари (2 соат)**

Таълим жараёнидаги замонавий техник таъминот воситалари. Фильмларни тасвирга олишнинг илғор услубиётларида такрорламайдиган усуллар. Ўқув павильони, тасвирга олиш майдончасида, декорациялар билан ишалаш. Табиий қуёш нуридан фойдаланиб эпизод олиш.

### **2-мавзу: Республика ва жаҳон кино-телеоператорлик мактабидаги инновациялар**

Республика ва жаҳон кино-телеоператорлик мактабидаги инновациялар. Илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ этиш. Ўқув павильони, тасвирга олиш майдончасида, декорациялар билан ишалаш, табиий қуёш нуридан фойдаланиб эпизод олиш, компьютер дастурларидан фойдаланиш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Тасвирга олиш кинокамераларнинг замонавийлашуви.**

Ушбу фан бўйича ўрганилган билимлар якка (амалий) машғулотларда амалий кўнилмалар орқали мустаҳкамлаб бориш. Ҳар бир мавзу юзасидан талаба маълум амалий кинокадр олиш. Турли жанрларда ва соҳаларда оддий фото олиш кўнилмаларини шакллантириш.

### **2-амалий машғулот: Яратилган метод ва тамойиллар асосида фильмларини ишлаб чиқиши, илмий ва амалий жараёнлар тараққиётини белгилаш.**

Кинооператорлик маҳорати бўйича талабанинг мустақил таълими шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, замонавий инновацион технологиялари ва ахборот ресурслари билан тўла таъминлаш. Мустақил таълим тингловчиларнинг фан доирасидаги билимларини янада

чуқурлаштириш. Мустақил равища янада ривожлантиришга яқиндан ёрдам бериш. Санъатга оид илмий манбалар устида илмий тадкиқотлар олиб боришни ривожлантириш.

### **3-амалий машғулот: Замонавий кино-телоператорлик маҳорати ижодий мактаблари.**

Миллий ва жаҳон кино мактаблари ва йўналишлари ютуқларини таҳлил қилиш, бадиий тафаккур маданиятини ва бугунги куннинг санъат амалиётини танқидий ёндошув орқали ўзлаштириш малакасини шакллантириш. Фаолиятнинг бу тури – топширикларнинг қуидаги рўйхатини қамраб олиш. Ўқув дастурига киритилмаган айrim масалаларни назарий жиҳатдан мустақил тадқиқ этиш. Кенг қамровли амалий материални мустақил таҳлил этиш, танқидий таҳлил, кинооператорлик санъатини тушуниш.

**4-амалий машғулот: Кино-телеоператорлик фанларидағи ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижалари. Драматургик тасвирий ечим, тарихий, архитектура, табиат, ва турли хил жанрдаги фотографияларни илмий-ижодий таҳлиллар қилиш.**

Мураккаб овоз ёзуви ва ёзув таҳлили билан мунтазам равища раҳбар назорати остида шуғулланиб бориш. Бундан ташқари талаба бадиий фильмларни таҳлил қилиш.

Якка машғулотлар талабада тажрибалар воситасида ўз ижодий йўналишини аниқлаш ва зарур кўнималарни шакллантириш.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАРНИНГ МАЗМУНИ**

### **1-кўчма машғулот: Тасвирий образ яратиш устида ишлашнинг замонавий технологиялари.**

Тингловчилар групхи билан Тошкент шаҳрида жойлашган Ўзбек кино агетлиги, Ўзбекфильм давлат унитар корхонаси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Кинотелеоператорлик ва овоз режисёrlиги ва маҳорати каби ташкилотлардан бирига ташриф буюрилади. Ташкилотларнинг замонавий технологиялардан ишлаш фойдаланиши, иш жараёни, ишлаб чиқариш фаолияти билан танишилади. Дарсдан сўнг муайян образлар таҳлил қилинади ва образ яратишнинг ўзига хослиги борасида фикр алмашинади.

**2-кўчма машғулот: Maxsus эфектлар ва уни шакллантириш услубиёти. Постпродакшн воситаларнинг уйғунлиги. Таълим жараёнига**

**киритилган назарий ва амалий услублар янгиликлар ва уларнинг бадиий тасвирий композицияси.**

Тингловчилар гурухи билан Тошкент шаҳрида жойлашган Ўзбек кино агетлиги, Ўзбекфильм давлат унитар корхонаси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Кинотелеоператорлик ва овоз режисёrlиги ва маҳорати каби ташкилотлардан бирiga ташриф буюрилади. Ташкилотларнинг замонавий технологиялардан ишлаш фойдаланиши, иш жараёни, ишлаб чиқариш фаолияти билан танишилади. Дарсдан сўнг муайян образлар таҳлил қилинади ва образ яратишнинг ўзига хослиги борасида фикр алмашинади.

**З-кўчма машғулот: Кино-телеоператорлик маҳорати фанларини ўқитишида компьютер технологияларининг аҳамияти. Миллий кино-телеоператорлик мактаби ижодий методлари.**

Тингловчилар гурухи билан Тошкент шаҳрида жойлашган Ўзбек кино агетлиги, Ўзбекфильм давлат унитар корхонаси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Кинотелеоператорлик ва овоз режисёrlиги ва маҳорати каби ташкилотлардан бирiga ташриф буюрилади. Ташкилотларнинг замонавий технологиялардан ишлаш фойдаланиши, иш жараёни, ишлаб чиқариш фаолияти билан танишилади. Дарсдан сўнг муайян образлар таҳлил қилинади ва образ яратишнинг ўзига хослиги борасида фикр алмашинади.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш), кўчма машғулотлар;
- давра сұхбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

Хозирги таълим тизимида билимларни эгаллашнинг янги концепцияси замонавий педагогик технологиянинг турли услубларини қўллашни тақозо этади. Таълим жараёни – бир тизим. Уни ташкил этувчи элементлар ўкув

мақсади, кутилаётган натижА, ўқитувчи, талаба, таълим мазмунИ, таълимнинг методи (усули), таълим шакли, таълим воситалари, назорат ва баҳолашдир.

Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда юқоридаги келтирилган барча элементлардан тўғри фойдаланиш талаб этади.

### **Таълим тизимида замонавий метод ҳамда усуллардан фойдаланиш**

Илғор ўқитувчилар таълим тизимида фаол методларни қўллайдилар. Масалан глобал таълим лойиҳаси бўйича интерфаол усуллардан фойдаланиб, ўз фаолиятларида сухбат, семинар-тренинг, мунозара, муроқот, диаграмма, инсерт, кластер, ақлий ҳужум, интерфаол индуктив, дедуктив, муаммоли тарзда маълумотларни берадилар.

**Кластер** – инглизча сўз бўлиб – бош, бир шингил, “Бир бош узум” шакли, конус маъносини англатади.

**Кластер** – бу маълум бир мавзу бўйича талабаларни эркин, очик ўйлашга ёрдам берувчи стратегия бўлиб, фикрлашнинг (нотекис) шаклидир. Мазкур усулдан дарснинг фикрлаш босқичида фойдаланиш мумкин.

#### **Кластерларга ажратиш:**

1. Қоғоз ва досканинг ўртасига таъриф, асосий сўз ёки гап ёзилади.
2. Ушбу мавзуга оид хаёлингизга келган барча сўз ва гапларни ёзинг.
3. Гоялар келиши билан улар ўртасидаги боғлиқликни аниқланг ва хатолар ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилинг.
4. Берилган вақт мобайнида хаёлингизга келган фикрларнинг барчасини ёзинг.

Кластерга ажратиш эгилувчан тизим бўлганлиги сабабли дарс мақсадидан келиб чиқсан ҳолда уни гурӯхда, якка тартибда барча фанларда қўллаш мумкин.

Ўқув-тарбия жараёнинда педагогик технологияларнинг жорий этилиши – ўқитувчининг ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса талаба ва ўқитувчидан – мустақиллик, ижод, иродавий сифатларни талаб этади.




### **“Ассесмент” -технологияси.**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумлар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади.

Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.



**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгacha баҳоланиши мумкин.

### “CWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

CWOT таҳлил:

C – стренгтҳ (кучли)

W – weakness (зайф)

O – оппортунистес (имкониятлар)

T – тҳреатенс (хатарлар)

Таҳлил қилиш учун 2x2 ўлчамдаги матрица тузилади:

C	W
O	T

### ***Намуна Музейнинг рақобатли CWOT таҳлили***

	<b>Манфаатли омиллар</b>	<b>Манфаатсиз омиллар</b>
<b>Ички мухит омиллари</b>	<p><b>C – кучли томони.</b></p> <p>1. Юқори малакали ходимлардан иборат жамоа.</p> <p>2. Бошқа санъат муассасалари билан ўрнатилган манфаатли алоқалар.</p> <p>3. Кўргазмалар ташкил этишда инновацион шаклларни кўллаш.</p>	<p><b>W – заиф томонлари</b></p> <p>1. Бошқарув жараёнининг салбий томонлари (сусткашлик).</p> <p>2. Айрим мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги (м-н: маркетолог)</p>
<b>Ташқи мухит омиллари</b>	<p><b>O – имкониятлар.</b></p> <p>1. Ўз экспонатининг ноёблиги бўйича музейнинг таниқлилик даражаси.</p> <p>2. Деярли кучли рақобатнинг мавжуд эмаслиги.</p> <p>3. Халқаро маданий алоқаларда қатнашиш имкониятлари.</p>	<p><b>T – хатарлар.</b></p> <p>1. Объектив санъат талабининг пасайиб кетиши.</p> <p>2. Ички рақобат: мутахассис кадрларнинг бошқа иш жойига ўтиб кетиши.</p> <p>3. Ташқи рақобат: Кўплаб музей ва галереяларнинг мавжудлиги.</p>

### **Хулосалаш (Резюме, Веер) методи.**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### **Методни амалга ошириш тартиби**

- тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;

- тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништирғач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисимлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;

- ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;

- Навбатдаги боскичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу.

### **Намуна:**

Галерея аудиториясини сегментлаш					
Даромадлари бўйича		Ёши бўйича		Жинси бўйича	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
<b>Хуноса:</b>					

### **“Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («сасе» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмок, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни камраб олади: Ким (Wхо), Қачон (Wҳен), Қаерда (Wҳере), Нима учун (Wҳй), Қандай/ Қанақа (Хow), Ниманатижа (Wҳат).

### **“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари**

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-bosқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li><li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li><li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li><li>✓ ахборот таҳлили;</li><li>✓ муаммоларни аниқлаш</li></ul>

<b>2-босқич:</b> Кейсни аниклаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниклаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил эчим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хulosса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнималарини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя тақлиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади: Ф –фикрингизни баён этинг, С – унга сабаб кўрсатинг, М – мисол келтиринг, У- умумлаштиринг.
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

#### *Намуна*

**Фикр:** “Музей брендини шакллантиришда доимий ташриф буюрувчилар ҳатти харакати таъсир этади”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини энгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“В” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

**“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларнинг мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар машғулот коидалари билан таништирилади;

- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурухли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт яқунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослади, фарқларини аниқлади ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Арт маркетинг	ташкилий ва бадиий мақсадларга эришишда истеъмолчилар билан ўзаро манфаатдорлик муносабатларни ўрнатишига йўналтирилган интеграширилган менежмент жараёни	
Паблик рилейшинз	жамият билан алоқа ўрнатиб, уни йўлга қўйиш, яъни санъаткор ёки рассом шуҳратини ёйиш учун санъат асари ёки унинг хизматларини тарғиб этиш, реклама қилиш	
Паблисити	мутахассислар ва улгуржи харидорларга мўлжалланган тарғиботни олиб бориш	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### Венн Диаграммаси методи


**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

**Методни амалга ошириш тартиби:**


- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаласиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

### **Венн диаграммасида ишлаш қоидалари:**



### **Венн диаграммаси**



## **“Блиц-үйин” методи.**

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил килиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетмакетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қутиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

**1-мавзу. Таълим жараёнидаги замонавий техник таъминот. Фильмларни тасвирга олишнинг илғор услубиётлари (2 соат).**

**Режа:**

1.1. Республикада ва жаҳон кино-телеоператорлик мактабларидаги инновациялар.

1.2. Учувчисиз бошқариладиган учар аппаратлар (дрон)

1.3. Масофадан бошқарилувчи “Паук” типидаги тасвирга олиш тизимлари.

1.4. “Паук” типидаги тасвирга олиш тизимларининг ишлаш принциплари

**Таянч иборалар:** Кинооператор, Кинорежиссёр, Кинотанқидчи, Образ, ёруғлик, ракурс, постановка, тасвир, пластика, ритм, композиция, монтаж, сценарий, услуг.

#### **1.1. Республикада ва жаҳон кино-телеоператорлик мактабларидаги инновациялар.**

**Кинооператорлик санъати тарихи:** Кинооператорлик санъати кинематографиянинг кам ўрганилган соҳасидир. Фильмнинг тасвир қисмини сўз билан ифодалаш жуда мушкул. Санъат турларидан бири бўлган кинони операторнинг ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди. Сценарий, режиссёр ва актёрлар билан бир қаторда операторнинг ҳам ижодий меҳнатлари эвазига экранда тасвир ўз ифодасини топади. Оператор фильмни суратга олиш ишларини тайёрлашда албатта режиссёр ёнида бўлиши керак. У режиссёр ва рассом билан биргаликда натурани, декорацияларни, эскизларни танлайди, ўзининг фильмдаги ижодий меҳнатини белгилайди. Оператор кинонинг бошқа етакчи ходимлари каби ақл-заковатли бўлиши, ўз ишининг бутун нозик томонларини қатори суратга олиш гуруҳининг барча ишларини ҳам яхши билиши шарт. Бу айниқса режиссёр ва рассом ишларига тааллуқлидир. Рассом гуруҳдан биринчи бўлиб бўлажак фильмнинг тасвирий услуби-колоритини излаб топиб тавсия этади. Режиссёр ва оператор рассом тавсиясини тўлиқ қабул этиш ёки этмасликлари мумкин, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам тасвирий ечим фильмда ўз аксини топади. Рассом таклифи ва тавсияси режиссёр ва оператор томонидан ҳеч қачон бутунлай рад этилмаган. Бу орада оператор, режиссёрнинг бўлажак фильм хусусида фикрий тасаввурини билиб олиб, ишга ҳозирлик кўра бошлайди. Шу боисдан ҳам биз кўпинча киноаппаратни бошқараётган оператор ортидаги режиссёрга кўзимиз тушади. Режиссёр суратга олиш нуқтаси ёки лавҳа композитсияси тўғри танланганига ишонч ҳосил қилиш учун оператор ёнида бўлади.

Кинооператор ҳозиргина суратга олган лавҳа олдинги ёки кейинги лавҳаларнинг бир қисмигина эканлигини яхши билади. Бу лавҳалар монтажда жамланиб, яхлит эпизодни ташкил этади. Эпизодлар эса беҳисоб. Оператор янглишиб кетмаслик ва услубнинг бир хиллигини, суратга олишда яқдилликни сақлаш учун фильмни олдиндан тўлалигича “кўриши” керак. Бу албатта, операторнинг юксак касбий маҳоратига боғлиқ. Нафақат кинематография илми, балки ўз касбининг нозик техник томонларини чуқур билган оператор суратга олган фильм маънодор ва ифодали чиқиши шубҳасизdir.

Кинооператорлик санъати бугунги юксак савияга бирданига эришгани йўқ. Анча пайтгача операторлар ижодий ходим саналмаган. Улар режиссёр томонидан қўйилган, рассом томонидан жиҳозланган эпизодларни ва умуман фильмни кинотасмаларга оддий кўчирувчи бўлишган. Вақт ўтиши билан оператор санъати ўсиб, ривожланиб, бир нуктадан оддий кўчириб олишдек соддадилликдан замонавий суратга олишнинг энг мураккаб усусларини ўзлаштириш даражасига кўтарилди. Операторларнинг санъатда таъсирчан ва ифодали воситалар устида изланишлари лавҳаларни шунчаки чиройли кўчиришга эмас, балки фильм гоясини образли тасвиirlашга қаратилади. Оператор ихтиёрида бўлган ва тобора мукаммаллашиб бораётган техника, сезгирилиги кучайган плёнка ва оптика фильм тасвирий олами ечимининг юксак бадиийлиги учун хизмат қилишга қаратилади. Кинооператор кадр композитсияси, ёруғлиги, ранглилиги устида астойдил ишлайди, режиссёр билан бирга план ва ракурсларни танлайди.

Замонавий кинода оператор роли ижодкор шахс сифатида ўсган. Лекин уларнинг ижодий фаолиятларига бўлган талаб ҳам юксак. Агар операторда ижодий ташаббускорлик бўлмай, у фақат режиссёрга ишониб, унинг кўрсатмаларини бажариб юраверса ундан ўзига хос ифодали изланишлар кутиш амри маҳолдир. Бугун чинакам касбий маҳорат эгаларининг давридир. Оператор бугун шунчаки кўчирувчи, киностудия ёки телестудиянинг оддий техник ходими эмас. У туб маънодаги ижод соҳиби, у фильмни суратга олиш ёки телекўрсатувлар яратиш жараёнида ўзининг ижодий хусусиятларини намойиш этиши керак.

Кино санъати кинематографиянинг техник воситалар асосида шаклланган бадиий ижод тури; экран санъатининг муҳим таркибий қисми; реал борлиқни айнан ёки бадиий–хужжатли образлар, мултиплікатсия воситалари ёрдамида суратга олиш; кинофильмларнинг омма орасида кенг тарқалиши учун хизмат қиласиган телевидение, видеокассета ва видеодискларни ҳам ўз ичига олади. Кино санъати кинематограф билан бир вақтда пайдо бўлди. Кинематограф эса фан ва техника тараққиёти билан

боғлиқ ҳолда юзага келди ва аста секин замонавий иқтисод, санъат ва маданиятнинг энг зарур соҳасига айланди.

Кино 1895 йил 28 декабрда Парижда (ихтирочилар ака–ука Огюст ва Луи Люмерлар) юзага келган. Унинг юзага келиши, ўз навбатида, инсониятнинг бадиий маданияти тарихида объектив қоуният босқичи бўлди. Кино санъатида адабиёт, театр, тасвирий санъат ва мусиқа тажрибалари, унинг эстетик жиҳатлари уйғунлаштирилиб, ўзига сингдирилган ҳолда воқелик ўзига хос ифода воситаларида фотографик тасвир орқали кўрсатилиди. Кино санъатининг оммани ижтимоий–сиёсий ва маданий жиҳатдан тарбиялашда, кишилар онги, фикр ва қараашлари, эстетик дид ва ҳис–туйғулари, умумани, маънавий дунёсининг шаклланишида ғоявий–бадиий таъсири кучлидир. Кино санъатининг қарор топишида америкалик кинорежиссёр Д.Гриффитнинг хизматлари катта. Биринчи бўлиб, у йирик план, параллел монтаж, кенгайтирилган панорама каби ифодали воситаларни қўллаган. Шунингдек, С.Эйзенштейн, Ч.Чаплин, Э.Штрогейм, К.Дреер, К.Видор, Р.Клер кабилар ҳам жаҳон киноси ривожига муносиб ҳисса кўшдилар.

XX асрнинг 1–ярмида Кино санъатининг жанр тизимидан кўпроқ комедия характеридаги саргузашт ҳамда қўрқинчли фильмлар ўрин олди. 20–йиллардан кинода турли услубий изланишлар бўлди. Масалан, «экспрессионизм», «поэтик кино», «махфий кино» ҳаракати, «очик кино» ва бошқалар.

Кейинроқ турли мавзулар қатори киноҳикояларга алоҳида эътибор берилди. Кўпроқ маълум бир тарихни ҳикоя қилувчи фильмлар кўпайди. Урушдан кейинги йиллар ривожланган мамлакатларнинг илфор кинематографчилари ишлаган фильмлар, айниқса, Италия неореализми экран санъатининг асосини ташкил этди. 50–йилларнинг охиrlари кино санъатида кино ва телевидениенинг ўзаро бир–бирига таъсири, бир неча соат давом этадиган фильмлар ишлаш каби муҳим ўзгаришлар юз берди. Айни бир вақтда кино санъати билан боғлиқ телезеркан ижоди пайдо бўлди ва ривож топди.

Осиё, Африка, Лотин Америкаси каби кўпгина мамлакатларда янги кинематографиянинг пайдо бўлиши, бир қатор ғарб давлатларида ўзига хос кинематографик мактабларнинг ривожланиши кино маҳсулотларининг хилма–хиллигини таъминлади. Кино санъати жанр ва услуг жиҳатдан бойиди. Экран ижодида полифониянинг турли шакллари қўлланила бошланди.

Ривожланган мамлакатларда эски жанрларнинг ўзига хос қайта уйғониш даври бошланди. Биринчи навбатда, мелодрама ҳамда кинематографик баёнда анъанавий шаклларнинг жонланиши кўзга ташланди.

Айни вақтда янги телевизион тизим (кабелли телевидение), ер йўлдоши орқали узатиладиган кўрсатувлар, видеомагнитофон, видеокассета, видеодискларнинг кенг тарқалиши натижасида кино санъатининг ривожланиши мураккаблашди.

Кино санъати асарлари ёзувчи, драматург, режиссёр, актёр, оператор, рассом, композитор каби ижодий ходимлардан иборат жамоа маҳсулидир. Кинода режиссёр етакчи рол ўйнайди. Фильм яратиш 2 томонни – ижод ва ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Кино ишлаб чиқаришнинг маркази – киностудия олди. Тайёр фильмлар кинопрокат орқали тарқатилади ва улар кинотеатр, телевидениеда кўрсатилади. Экран санъатининг ўзига хос ифода воситалари бор: умумий, ўрта ва йирик планда суратга олиш, турли ракурсларда камералар ҳаракати, эпизод ва кадрлар монтажининг турли шакллари ва бошқа кино санъатининг 4 асосий тури мавжуд: бадиий фильм, илмий–оммабоп кино фильм, ҳужжатли кино фильм ва мультипликатсион кино фильм. Шулардан бадиий фильм кино санъатининг асосий турларидан бўлиб, маҳсус ёзилган ссенарий ёки қайта ишланган бадиий адабиёт (ҳужжатли ёки бадиий проза, театр драматургияси ва б.) асосида ижоднинг ижровий воситалари ёрдамида реал ёки тўқима воқеаларнинг баён этилиши; илмий–оммабоп кино томошабинларни табиат ва жамият ҳаёти, илмий кашфиёт ва ихтиrolар билан таништиради. Кино санъатининг яна бир муҳим тури – мультипликатсион кино фильм. Энг кенг тарқалган шакллари расмли ва қўғирчоқли фильмлардир. Рассом чизган расмлар ёки макетлар, шунингдек, қўғирчоқлар ҳаракатлантирилиб, кинотасмага туширилади. Ҳужжатли кино – бўлган воқеа ва ҳаракатларни тасмага туширади. Кино санъатининг комедия, тарихий, драматик ва саргузашт фильмлар каби жанрлари мавжуд.

Ўзбекистонда биринчи фильм 1897 й. «Эски жўва» майдонида кўрсатилган. 1908 йилдан Тошкент, Самарқанд, Қўқон ва бошқа шаҳарларда чет эл фильмлари намойиш этилган. Ўрта Осиёда кўрсатилган киноленталар, асосан, Америка, Франциянинг Шарқ экзотикаси тасвирланган фильмларидан иборат бўлган. Ўзбек миллий кино санъати XX асрнинг 20 йилларида вужудга келди. Биринчи ўзбек кинооператори Худойберган Девонов ўзининг ilk ҳужжатли–хроникал фильмларида ўзбек халқининг ҳаётини, урф–одатларини, Хоразм манзараларини акс эттиришга интилган.

1924 й. рус–бухоро ширкати «Бухкино», 1925 й. Тошкентда «Шарқ юлдузи» (1936 йилдан «Ўзбекфильм») кинофабрикасининг ташкил бўлиши ўзбек Кино санъати ривожини бошлаб берди. Лекин миллий кадрларнинг этишмаслиги натижасида студияни ташкил этишга уриниш ва «Бухкино» ширкати қошида мунтазам суратга олишни ташкиллаштириш муваффақиятсиз бўлди. Тошкент студиясига ҳали кино соҳасида яхши

танилмаган рус кино арбобларининг келиши, уларнинг касбий савиясининг пастлиги ҳақиқий миллий мазмундаги кинолар яратишга йўл қўймасди. Улар яратган фильмлар фақат экзотик ва ташвиқий характерда бўлиб, ўзбеклар ҳаёти бузиб кўрсатиларди, ўзбек аёллари ролини рус актрисалари ўйнаши натижасида қахрамоннинг ички дунёси, унинг психологик кечинмалари очиб берилмасди (масалан, «Ўлим минораси» (режиссёр В.Висковский), «Мусулмон қизи» (Д. Бассалиго), «Иккинчи хотин» (М. Доронин) ва б.). Кино ишлашда миллий проза ва драматургиядан фойдаланишдан бош тортиш, ўзбек ҳаётини билмайдиган рус мутахассисларнинг ўзлари ёзган сценарийлари асосида фильм яратиши миллий кино учун жуда катта йўқотиш бўлди, узоқ йилларгача ўз шакл–шамойилига эга бўлаолмади, унинг «ўзбек миллий киноси» сифатида шаклланишига ўтиб бўлмас тўсиқ бўлди.

Овозиз фильмларда берилган мазмун томошабинга кўпроқ Европа мутахассислари нуқтаи назарини ифодалади, чунки миллий анъаналарни билишдан йироқ муаллифларнинг асаллари шу руҳда яратилган эди. 20 йиллар яратилган «Соябон арава» (О. Фрелих), «Равот қашқирлари» (К.Гертел), «Макрли чангл» (В.Козлов), «Чодира» (М.Авербах) каби фильмлар шулар жумласидан.

Овозли кинонинг юзага келиши ўзбек кино санъатининг ҳам бадиий қийматини оширди. Биринчи узбек овозли фильм «Қасам» (1937, режиссёр А.Усолсов–Граф) фильмида миллий актёрлик маданияти, ўзбек ҳаёти ва психологияси мужассам акс этди, ижтимоий қарама–қаршиликлар асосига қурилган драматургия намоён бўлди. Чунки барча бош ролларни ўзбек актёрлари ўйнаган эди. Лекин барибир асар овозиз кино давридаги эски кино маданияти қолдиқларидан холи бўлолмагани сабабли ўтмиш ва бугунги кун ўртасида аросатда бўлиб қолди. Шу сабабли, уша даврда яратилган Грузия, Озарбайжон фильмлари каби энг яхши фильмлар даражасига кўтарила олмади.

Ўзбек киносининг ilk фильмларидан бири бўлган «Насриддин Бухорода» (1943, режиссёр Я.Протазанов) фильмни халқ мавзусининг ҳақиқий имкониятларини очиб берди, тасвирий воситалар қаторини қандай чиройли ва ифодали қуриш мумкинлигини кўрсатди, юкори даражадаги ижро услубини ўргатди. «Тоҳир ва Зухра» (1945, режиссёр Н. Фаниев) фильмни халқ эртаклари асосида яратиладиган фильмлар чегарасини «бузиб» ўтган ҳолда тарихий фильмлар яратишга асос солди, миллий руҳдаги ифодали ўйин имкониятларининг нақадар кенглигини ҳис этишга имкон берди. Кейинроқ яратилган «Алишер Навоий» (1947, режиссёр К.Ёрматов) фильмининг яратилишига «Тоҳир ва Зухра» киноси муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, «Бой ила хизматчи», «Қутлуғ қон» (1953, 1957, режиссёр

Л.Файзиев), «Шоҳи сўзана» (1954, А.Бекназаров) каби бадий асарлар экранлаштирилди.

Ўзбек киносида ёшларда замон талабларига янгича қарашиб шаклланди, эски қолип ва тахминлардан узоқлашдилар, дунёга шоирона назар ташлаш имкониятлари намоён бўлди. Шу билан бирга ҳаёт факат севиш, хурсандчилик қилиш, қаҳвахоналарда рақсга тушиш, чиройли кийинишдан иборат деб билган шаҳарлик йигит ва қизлар учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фильмлар ҳам ўзбек экран санъатига янги бир саҳифа бўлиб кириб келди. Бу айниқса, режиссёр Э.Эшмуҳамедов ижодида («Нафосат» (1966), «Севишганлар» (1969) ва б.) яққол кўзга ташланди. «Мафтунингман» (1958, Й.Аъзамов), «Маҳаллада дув–дув гап», «Сен етим эмассан», «Қалбингда қўёш», «Тошкент – нон шаҳри» (1960, 1962, 1966, 1967, режиссёр Ш.Аббосов), «Синчалак», «Улугбек юлдузи», «Наташахоним» (1961, 1965, 1966, режиссёр Л.Файзиев), «Ўтган кунлар» (1969, реж. Й.Аъзамов) ва б. фильмлар шулар жумласидан.

Миллий кино ижодкорларининг ташкилий ва ижодий ишлар, тўпланган тажрибаларни янгича кўз билан кўриб чиқиши, экран санъатига талабчанликни ошириши натижаси ўлароқ тарихий–инқилобий фильмлар («Қора консулнинг ҳалокати», режиссёр К.Ёрматов; «Еттинчи ўқ», А.Ҳамроев ва б.) билан бир қаторда замонавий мавзуда ҳам бир қанча фильмлар ишланди: «Шиддат» (режиссёр У.Назаров), «Ёз ёмғири» (А.Қобулов), «Фалокат оёқ остида» (З.Собитов), «Севги фожиаси» (Ш.Аббосов), «Алангали сўқмоқлар» (Й.Аъзамов), «Аччиқ данак», «Ўзганинг баҳти» (Қ.Камолова), «Инсон қушлар ортидан боради» (А.Ҳамроев, Дехли халкаро кинофестивалида «Кумуш товус» мукофотини олган, 1976), «Чинор остидаги дуел» (М.Абзалов) ва б. Шунингдек, буюк алломалар ҳаёти ҳақида сўзловчи «Нодирабегим» (режиссёр К.Ёрматов), «Абу Райхон Беруний», «Оловли йўллар» (Ш.Аббосов) ҳамда «Зулматни тарқ этиб...» (Й.Аъзамов), «Шум бола» (Д.Салимов) ва б.

Ўзбек киноси изланишларни кенгайтиришга, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий жараёнларни янада чукур ва ёрқин ифодаловчи киноленталар яратишга интилди. Экран сон ва сифат жиҳатдан яна бир поғона кўтарилиди, жанрлар эса шакл ва мазмун жиҳатдан кучайди, уларнинг хилма–хиллиги ошди, қолипга тушиб қолган одатий мазмунлардан қочиш сезилди.

«Алибобо ва қирқ қароқчи» (режиссёр Л.Файзиев, У.Мехра), «Мана ўша йигит қайтиб келди» (Р.Ботиров), «Олтин жунли қўй териси», «Уйгониш» (Л.Файзиев), «Бўйсунмас» (А.Қобулов), «Қиёмат қарз» (У.Назаров), «Даҳонинг ёшлиги», «Каражатлик» (Э.Эшмуҳамедов), «Парол «Регина» меҳмонхонаси» (Й.Аъзамов), «Армон», «Суюнчи», «Келинлар

кўзғолони», «Майсарапининг иши» (М.Абзалов), «Орзулар оғушида» (Ф.Зайнутдинов) ва бошқа фильмлар эстетик сифатини устунлиги ва янги–янги шакллари билан ажralиб туради.

Кейинги 10 йилликда миллий кино санъати ривожида кескин бурилиш даври бўлди. Қизиқарли фильmlар яратган М.Абзалов, З.Мусоқов, Ю.Собитов каби режиссёрларнинг фильмлари замон муаммолари, ёшлар ҳаётининг энг оғриқ жабҳаларига қаратилди, услублар хилма–хиллиги таъминланди.

«Тонгга қадар» (Ю.Азимов), «Аждодлар овози» (Ф.Шермуҳамедов), «Кетма» (Ж.Исҳоқов, Р.Саъдуллаев), «Севги қурбонлари» (А.Исмоилов) каби фильмлар эътиборга моликдир. 1996 йил миллий кино учун янги муҳим сана нуқтаси бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 июл 247–қарорига асосан, «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси ташкил бўлди. Фармон узбек киносини янги изланишлар, замон билан ҳамнафас бўлиш вазифаларига ундали, томошабинни жалб қила билиш йўлларини топишга, ўз–ўзини пул билан таъминлаш, янги техник жиҳозлар билан қуролланишга мажбур этди. Фармон натижасига ўлароқ, «Кенжা қиз» (Р.Кубаева), «Атроф оппоқ қор билан қопланган» (Қ.Камолова), «Юлдузингни бер осмон» (Ф.Давлетшин), «Буюк соҳибқирон» (И.Эргашев, Б.Содиков), «Отамдан қолган далалар» (Ш.Аббосов), «Марғиёна» (Ҳ.Файзиев), «Ўтган кунлар» (М.Абзалов, Ҳ.Файзиев), «Пиёда» (Р.Маликов), «Яратганга шукур» (З.Мусоқов), «Севги» (И.Эргашев), «Ёлғиз ёдгорим» (С.Назармуҳамедов), «Тилсимой – ғаройиб қизалоқ» (М.Боймуҳамедов) каби янгича талқиндаги фильмлар юзага келди.

Хозирги кунда кинонинг ижтимоий нуфузи ошди, мавзу доираси кенгайди, маҳаллий ёзувчилар асарларининг қўпайиши кўзга ташланади. Фолклор, тарихий, замонавий ва фалсафий мавзулар қайта ишлаб чиқилди. «Аёллар салтанати» (Ю.Розиков), «Чаёнгул» (С.Назармуҳамедов), «Паримомо» (М.Ражабов), «Она» (З.Мусоқов) ва бошқалар кейинги йилларнинг энг яхши фильмлариdir.

Бадиий кинони жаҳонга танитган, ўзбек киносининг асосчиси Н.Ғаниев, халқ артисти К.Ёрматовлар ижоди ўзбек киноси тарихининг ёрқин саҳифалари бўлиб қолади. Шунингдек, Й.Аъзамов, Ш.Аббосов, Л.Файзиев, З.Собитов, Р.Ботиров, А.Хамроев, А Қобулов, Қ.Камолова, З.Мусоқов, И.Эргашев, Ҳ.Файзиев каби режиссёрлар ва Ҳ.Файзиев, А.Панн, М.Краснянский, А.Мукаррамов, М.Пенсон, Д.Фатхуллин, А.Исмоилов, Л.Травиский, Д. Абдуллаев сингари операторларнинг миллий кинонинг камол топишида ва жаҳон кино санъати қаторидан ўрин олишида хизматлари бекиёсdir. Ў.Алихўжаев, Ш.Эргашев, Р.Саъдуллаев, М.Ражабов,

Т.Шокирова, Р.Адашев, Д.Қамбарова, Б.Зокиров, Д.Эгамбердиева ва бошқалар энг яхши кино актёрлардир.

Ўзбекистонда «Ўзбекфильм» дан ташқари «Ватан», «Имон», «Инсон», «Ёғду», «Достон фильм», «Самарканд фильм», «Шод», «Юлдуз» сингари киностудиялар ишлаб турибди (2002).

Ўзбек хужжатли киноси, асосан, 30 йиллардан бошланган. Ф.Назаров, Н.Гасилов, В.Тимковский, К.Аликаев, М.Ковнат, Н.Ғаниев, Й.Аъзамов кабилар хужжатли кинонинг дастлабки йилларида кўтаринки рух билан ишладилар ва маълум муваффакиятларга эришдилар. «Ишлаб чиқаришда жисмоний тарбия» (режиссёр Й. Аъзамов), «Ажойиб иш» (Н.Ғаниев), М.Қаюмов суратга олган «Ўзбек пахтакорларининг ғалабаси», «Ўзбек ҳалқининг байрами» (Ш.Зоҳидов, О.Турсунов билан ҳамкорликда), «Катта Фарғона канали», «Кучли оқим» фильмлари юқори баҳоланди. Айниқса, «Тошкент тўқимачилар комбината» (1938) фильмни Ню–Ёркда ўтказилган жаҳон кўргазмасида Олтин медалга сазовор бўлди.

Уруш йиллари «Фронтдаги дустларга» (режиссёр К.Ёрматов), «Фронтга совға» (С.Муҳамедов, Й.Аъзамов), «5 республика концерта» (А.Спешнев, З.Собитов) каби бадиий–хужжатли фильмлар ишланди.

Урушдан кейин хужжатли кино ижодкорлари ғайрат ва шижаат билан олдинга янги қадам ташлаш билан ижодини бошлади. «Тўрт дарвозали шаҳар», «Ўзбекистонимизга келинг», «Инсониятнинг беш кўли», «Фарҳод чироқлари» (ҳаммасининг режиссёр М.Қаюмов) сингари кино йилномаларнинг ёрқин ва ҳаётий кинотасмалари яратилди.

Кейинчалик яратилган хужжатли фильмларда Ўзбекистонда курилаётган завод ва фабрикалар, ГЭСлар, қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, фан ва санъат фидойилари ҳаёти ва ижоди, саноат ютуклари, йирик ҳалқаро мусобақалар ўз аксини топди: «Баҳордан баҳоргacha», «13 қалдирғоч», «Зилзила» (М.Қаюмов), «Ўқитувчи» (Н.Атауллаева), «Ўзбекистон гази ва кимёси» (Н.Раҳимбоев), «Мовий олов кишилари» (Р.Григорев), «Йўлда ва она юртда», «Ашурор воқеаси», «Очиқ айтганда», «Иzlаниш давом этмоқда» (ҳаммасининг режиссёри Т.Нодиров) ва бошқалар шулар жумласидан.

М.Қаюмовнинг кўп йиллик ижоди ўзбек хужжатли киноси тарихида алоҳида бир саҳифа бўлиб қолади. У билан ёнма–ён ижод қилган Ш.Зоҳидов, Т.Нодиров, А.Сайдов, О.Турсунов, Н.Атауллаева, П.Расулов, М.Арабов, А.Ёқубов, Н.Раҳимбоевларнинг ҳам хужжатли кино равнақида хизматлари катта.

Сўнгги йилларда ўзбек хужжатли киноси ўзини анча ўнглаб олди, мавзулар доираси кенгайди, ҳаёт билан ҳамнафас фильмлар яратилди. Катта авлод ўрнини янги ёш режиссёр, оператор, ссенарийчи ва бошқа мутахассислар эгаллади. «Шароф Рашидов», «Абдулла Қодирий», «Оғриқ»

(Даврон Салимов), «Ислом Каримов. ХХI–аср бўсағасида» (Ш.Қурбонбоев), «Ўзбекистон баҳори» (Ш.Қурбонбоев, Э.Хачатуров), «Ўзбекистон олтини» (Н.Маҳмудов), «Нон» (Ғ.Шермуҳамедов), «Жаҳонга йўл» (Ш.Маҳмудов), «Ўзбекистон қуроли кучлари», «Фитрат» (Ғ.Шодмонов) ва бошқалар кейинги йиллардаги энг яхши фильмлардир. Замонавий хужжатли кино ривожида Д.Салимов, Б.Музafferов, Ш.Маҳмудов, Ш.Қурбонбоев кабиларнинг ўрни алоҳида.

## 1.2. Учувчисиз бошқариладиган учар аппаратлар (дрон)

Бугунги кунда, “дрон” сўзи кенг маънода учувчисиз бошқариладиган ва ҳар қандай вазифани амалга ошириш учун дастурлаштирилган кўчма, автоном ишловчи учар аппарат маъносида ишлатилмоқа.

Учувчисиз бошқариладиган учар аппаратлар ишини ердан операторлар бошқариб турадилар. Бошқарув мониторида дронга ўрнатилган камера ҳозирда олаётган тасвир, шунингдек, дроннинг парвоз тезлиги, баландлиги, батареяда қолган заряд микдори ва ва бошқа маълумотлар акс этиб туради. Видеокамераларнинг энг сўнгги моделлари уларни дронларга ўрнатиб тасвирга олиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда. Фильм ёки кўрсатувдаги саҳнани қандай қилиб ғайриоддий ракурсдан тасвирга тушириш мумкин, унинг устига ҳаракатдан олиш керак бўлса. Бироқ, ҳар доим ҳам бу каби мураккаб тасвирларни биргина камера билан тасвирга олишнинг иложи йўқ. Фавқулотда мураккаб вазиятларда кино ижодкорлари масофадан бошқариладиган учувчисиз тасвирга олиш қурилмаларидан фойдаланишади. Лекин бу усулнинг ҳам ўз оташин тарафдорлари ва унга қарши чиқувчилар ҳам бор. Масофадан бошқариладиган учувчи тасвирга олиш қурилмаларнинг нимаси яхши ва уларнинг хавфли томонлари нимада?

Масофадан бошқариладиган дронлар, бундан ташқари УБУА (учувчисиз бошқариладиган учиш аппарати) деб ҳам аталади ва улар замонавий ҳаётнинг барча соҳаларида ишлатилади, шу жумладан кино ва телевидение соҳасида ҳам.<sup>1</sup> Бундай машиналардан фойдаланиш режиссёр ва операторларнинг ижодий имкониятларини кенгайтирмоқда, маблағларни тежаш ва тасвирга олиш жараёни хавфсизлигига ҳисса қўшмоқда.

Хусусан, дронлар АҚШлик машҳур актёр ва режиссёр Силвестер Сталлонега “Тутқич бермаслар” («Неудержимые») фильмининг учинчи қисмида энг мураккаб ва ақлни шоширувчи, бетакрор саҳналари тасвирга олишга имконият яратди. “Биз дронларнинг ёрдами биан деярли ҳамма

<sup>1</sup> The Hollywood Reporter. Kerolayn Djardina, 07.11.2014

нарсани тасвирга олиб қўрдик: биноларнинг портлаши, танклардаги пойгалар ва жанггоҳ бўйлаб учиб юрган мотоцикллар орқасидан қувиш ва бошқаларни, –дейди дронларни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ЗМ Интерастиве компаниясининг эгаси Зив Маром. – Бизнинг маҳсулотлар камера ўрнатилган вертолётларга нисбатан анча пастрокда ҳам ишлаши мумкин. Дронларнинг асосий ҳусусияти ҳам ана шунда”.

Технологиялар ривожланиши билан рақамли камералар кичиклашиб, енгиллашиб бормоқда ва вақт ўтгани сайин дронлардан фильмларни суратга олишда фойдаланиш бўйича чекловлар рўйхати фақат камайиб бориши кутилмоқда. Бу ташаббусни қўллаб-қувватлаш учун Америка Кино ассотсиатсияси витсе-президенти Нил Фрайд ўз фикрини билдириди: “Учувчисиз бошқариладиган учиш аппаратлари теле ва кино саноати учун инновацион ва кино суратга олиш жараёнида бутунлай хавфсиз усулларни таклиф этмоқда. Улар ноёб ва албатта ҳавождан туриб ажойиб манзараларни кўрсатиб бериш учун янги имкониятлар очди.

Дронларнинг афзалликлари уларнинг хавфсизлиги ва молиявий фойда кетириши билан чекланмайди. Учувчисиз бошқариладиган учиш аппаратларидан фойдаланиш, Кейннинг фикрига кўра, кино ижодкорлари учун кенг ижодий имкониятлар беради. “Уларнинг ихчамлиги ва бир жойда муаллақ учиб тура олиш технологияси билан, кадрларни бутунлай янгича ракурслардан олиш имкониятини бериши мумкин. Режиссёрлар энди кадрларни битта дублнинг ўзидаёқ тасвирга олишлари мумкин. Бундан ташқари, энди улар баҳайбат операторлик қранларисиз ҳам ишлашлари мумкин, албатта тасвирга олиш энди осонроқ бўлади”

Квадрокоптерлар ва дронлардан фойдаланиши назарда тутувчи технологиялар ҳаётнинг барча соҳаларига тезкорлик билан кириб бормоқда ва уларни тамомила ўзгартириб юбормоқда. Спорт мусобақалари ҳам бундан истисно эмас.

Яқин кунларгача ҳам учувчисиз бошқариладиган учиш аппаратларини турли спорт мусобақаларини суратга олишда фойдаланилмас эди. Уарнинг ўрнига журналистлар ижара нархи дронларга қарагана ўнлаб, балки юзлаб марта қимматроқ бўлган вертолётлардан фойдаланишар эди.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда учувчисиз бошқариладиган учиш аппаратлари ёрдамида кўплаб фильмларнинг эпизллари, мусиқий клиплар ва кўрсатувлар тасвирга олиниб келинмоқда.

Бундай ускуналардан аввалига ҳар соҳада етакчи бўлишга уринаётган ҳусусий студиялар фаол фойдалана бошладилар ва мусиқий клиплардан ташқари хатто тўй маросимларини ҳам тасвирга олишда фойдаланиб келишди.

Масалан: студиялар томонидан тасвирга олинган “Барон”, “Куёв жўра”, “Ана холос” фильмларида ҳамда кўплаб мусиқий клиптарда дронлардан фаол фойдаланилган.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раҳбарияти ҳам тажриба тариқасида 2014 йилда 1 дона дрон ускунасини сотиб олди ва бир неча кўрсатувларда фойдаланиб кўрилди. Бунга Миллий Телерадиокомпанияси “Дунё бўйлаб” телеканали ДУК томонидан давлат буюртмасига биноан суратга олинган ва ватанимиз номини бутун дунёга танитган Халқаро миқёсдаги ФИФА ҳаками Равшан Эрматовнинг ҳакамлик соҳасида эришган ютуқларига бағишлиланган “Равшан” хужжатли фильмини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Фильмнинг ссенарий муаллифи ва режиссёри Д.Умаров.

“Равшан” хужжатли фильмида тасвирга олинаётган майдончанинг юқоридан кўринишини тасвирга олиш учун Ўзбекистон МТРКга 2014 йилда сотиб олинган Октокоптер, яъни саккизта пропеллерли дрон учиш мосламаси ва ГоПро ҲЕРО ИИИ маҳсус тасвирлар олиш HD камерасидан фойдаланилган. Бу тасвирлар 12 метр баландликдан тасвирга олинган. Натижада тасвирлар фильмга ўзгача рух ва динамика бера олган.

### **1.3. Масофадан бошқарилувчи “Паук” типидаги тасвирга олиш тизимлари**

Спорт мусобақаларини эфирга узатиш технологиялари доимо ривожланиб бормоқда. Футбол клублари эгалари юқори технологиялар ёрдамида футбол мусобақаларини транслятсия қилишга катта эътибор қаратишади, чунки бу янада кўпроқ томошибинларни жалб этиш ва уларнинг клублари даромадларини ошириш учун ҳизмат қиласи. Бундан ташқари, УЕФА ва ФИФАнинг ўйинлар телетранслятсияси сифатига қўяётган талаблари ҳам ошиб бормоқда ва бу талабларни бажармаган стадионларда муҳим футбол учрашувларини ўтказиш таъкиқланади.

Телетранслятсия жараёнига ўзгача рух бера оладиган усуллардан бири бу транслятсия жараёнида стадион устида юқори баландликда ҳаракатланувчи “Паук” камераси деб аталмий тизимлардан фойдаланишdir.

Бундай технологиилар Голливуддан кириб келган бўлсада, ҳозири кунда улар деярли барча кўп бюджетли тадбирларни, хусусан, Eurovision Song тадбирларида ва спорт мусобақаларини тасвирга олишда ишлатилади.

Олинган тасвирлар ҳудди вертолёт ёки дирижаблдан олингандек тасаввур уйғотади. Бироқ “Паук” типидаги камералари ёрдамида олинган тасвирлар факат статик эмас, у билан турли масштабдаги ва ракурсдаги кадрларни тасвирни олиш мумкин. “Паук” типидаги камераларнинг асосий

хусусияти уларнин объектни назорат қилиш имконияти борлигидир, яъни, камера осонгина фазода ҳаракатланиб бирор объектни кузатиб юриши ва ҳар доим режиссёрга керакли бўлган нуқтага бориши мумкин.

Яқин-яқингача “Паук” типидаги камераларнинг фақат икки ҳил тури бор эди ва булар АҚШнинг “CableCam”, “ScyCam” ва Германиянинг “SpiderCam” тизимлариридир. Лекин бу ибора Россияда ҳам аллақачон муайян ишлар олиб борилиб “РОВУСАМ” тизими яратилди. Улар айрим жихатлари билан ўзаро фарқлансаларда, уларнинг ишлаш принципи бир-бирига жуда ўхшаш.

Спорт кўрсатувларини транслятсия қилувчи режиссёrlар ёрқин кадрларни ва ғайриоддий ракурсларни топиш учун баъзан турли айёрликлар ўйлаб топишга мажбур бўлишади, камераларни баъзан шифтга, баъзан эса стадионнинг ёруғлик устунлари устига ўрнатишади. Ёки бўлмаса “скайлифт” тизимидан ва яна “Beauty shot” камера тизимларидан ва ҳоказолардан фойдаланишади. Лекин кўрилган бу чора-тадбирлар билан фақат статик тасвирларни олиш мумкин. Бундай ҳолларда эфирга ҳақиқий динамикани “Паук” тизимидағи камера тизими беради.

“Паук” типидаги камера тизими жимгина футбол майдони устидан тортиб қўйилган сим арқонлар устидан ҳаракатанади. Горизонтал текислик бўйлаб кўчиб юришда, у бир зумда керакли баландликка кўтарилиши ва худди шундай осонлик билан орқа қайтиши мумкин. Ундан тасвирга олиш майдони ичida ҳар қандай нуқтадан тасвирга олишда фойдаланиш мумкин.

Одатда тасвирга олиш майдони, масалан бинонинг юқорида қисми бўш бўлади. Лекин, у ерда агар бошқа нарсалар, масалан, маҳсус ёритиш тизимлари бўлса, камера учун зарур ишчи майдонини ҳоси қилиш керак ва трассларни керакли жойга қўчириб ўтказиш мумкин. Тизим камеранинг ҳамма позитсияларини ва ҳаракатини “эслаб қолиш” имконини беради. Бу зарур бўлганда олдиндан белгилаб қўйилган вазифаларни такрорлаш имконини беради.

“Паук” типидаги камера тизимлари асосан ЕС ва БВГ-С1 (ВБГ, Германия) стандартларига эга. Шунинг учун бу тизимдан дунёдаги деярли барча мамлакатларда фойдаланиш мумкин. “Ҳавода қотиб қолиш” ва бошқа турдаи муаммоларга дуч келмаслик учун хавфсизлик нуқтаи назаридан қуидаги жихатларга эътибор қилиш керак:

Сим арқонлар фақат панорама головкасининг юкини кўтариб туриши керак, яна сим арқонлара ундан бошқа юқ босими тушмаслиги керак. Бунда компьютер дастури линиядаги эгилишлар миқдорини ҳисоблаб чиқади ва барча барабанларнинг ўзаро мувофиқлашган ҳаракати натижасида камера ҳар

қандай керакли йўналишда ҳаракат қила бошлайди. Натижа – кам ҳаракат ва минимал хавф.

Фигурали учиш спорт мусобақаларида телекамеранинг парвозидан спортчиларниң рақсларини янада гўзал ва ифодали қилиб кўрсатиб беришда самарали фойдаланиш мумкин. Камеранинг спортчилар билан ҳамоханг ва силлиқ ҳаракати томошабинларда шу спорт мусобақаси залида “иштирок этиш” тасавуруни уйғотади, телевизион дастурни ҳақиқий томошабоп воқеага аянтиради. Табиийки, режиссёrlар ва операторлар бундай натижаларга эришиш учун “Паук” камера тизимининг бор имкониятларидан оқилона ва моҳирона фойдалана олишлари керак.

“Паук” типидаги камера тизимлари футбол, баскетбол, хоккей ўйинлари, сузиш, ҳар қандай бокс бўйича ўйинларни тасвирга олиш учун қулай. «ROBYCAM» тизимидан фойдаланиш спорт мусобақаларини энг ажойиб ракурсларда кўрсата олади. Энг юқори нуқтаардан тортиб спортчилар билан бирга ўйин соҳасида бўйлаб ҳаракати, спортчиарнинг юзларидаги тер томчиларига қадар кўрсатиб бера олади.

“Паук” камера типидаги тасвирга олиш тизимлари ҳам ўз камчилик ва ютуқларига эга.

### **Тизимнинг ютуқлари:**

- шовқинсиз ишлайди;
- оддий камерага нисбатан олинган тасвирлари жуда томошабоп;
- спорт мусобақалари ёки бошқа тадбирларда томошабин ва иштирокчиларга ҳалақит бермасдан воқеаларнинг энг қайноқ нуқталарига кириб бориши мумкинлиги;
- бошқарувнинг қулайлиги: тизимлар оптик толали кабел ёки масофадан бошқариладиган радиотизим орқали бошқарилиши мумкинлиги;
- тизим ҳаракат траекториясини аввалдан киритиб қўйиш ва автопилот режимида ишлаш имконияти;
- стандарт тасвирга олиш ракурсларини тизимга пресет ҳолатида сақлаб қўйиш ва керакли пайтда тутмани босиш орқали ўша позитсияга тезлиқда ўтиш имконияти;
- кучли ҳимояланган тизими: тизим фақат белгиланган одамларнинг бармоқ изи билан очилади;
- трос тизимининг ҳавфсизлик даражаси керагидан 12 карра кўпроқ кучланишга жавоб бериши;

### **Тизимнинг камчиликлари:**

- қурилма батареяси узоғи билан фақат 2 соатга етади;
- чегараланган ҳаракат траекторияси;

- тизимни ўрнатиш учун катта сарф ва ҳаракатлар қилиш кераклиги;
- баландга маҳсус устунларга троcс тортиш кераклиги;
- турли табиат ҳодисаларида тизимнинг блок ҳолатига тушиб қолиши;
- тизимни доимо катта маблағлар сарфлаб профилактика қилиш ва созлаб туриш кераклиги;
- тизим билан боғлиқ турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг тез-тез юз бериб туриши (ўйин майдонига бир неча бор қулаб тушган);

#### **1.4. “Паук” типидаги тасвирга олиш тизимларининг ишлаш принциплари**

“Паук” типидаги камера тизимини бошқариш янги авлод кабел манипулятори томонидан амалга оширилади. У камера ўрнатилган платформани олдиндан белгилаб қўйилган баландлик ва йўналиш бўйлаб ҳаракатини амалга оширади.

“Паук” типидаги камера тизими, тўрт асосий модулдан иборат:

- марказий назорат протсессори;
- сим арқонлар тизими;
- барабанлар;
- Камера ва панорама головкаси.

Платформанинг тўғри баландликда ва керакли позитсияда туриши пўлат симли осма тизим томонидан бошқарилади. Бу сим арқонлар тасвирга олиш майдонининг турли бурчакларида жойлашган тўртта устунга ўрнатилган бўлади. Сим арқонарни галма-гал керакли пайтда тортиш ёки бўшатиш орқали камерани уч ўлчовли фазода ҳаракат қилишини таъминлайди.

Камера тизими микропротсессорлар назорати остида тўртта сим арқон барабанлари орқали олдиндан белгиланган йўналишда фазода ҳаракат қиласди. Барабанлар бошқарувчининг буйруғига қараб ёки олдиндан белгилаб қўйилган буйруққа кўра сим арқонларни тортади ёки бўшатади.

“Паук” типидаги камералар - роботлаштириган тизимлардир. Маҳсус компьютер дастури камера ҳаракатини кинематика қонунлари асосида ҳисоблаб чиқади ва сим арқонларни бошқариш тизимига маълумотларни буйруқ кўринишида узатади. Тизимнинг барча қисмлари рақамли интерфейс орқали ўзаро боғанган.

Сим арқонларни бошқарув тизими барабанлари камералар ва панорама головкаларини ишлаб чиқарувчи фирмалар томонидан берилган кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқарилган ва 12 каррали хавфсизлик кўрсаткичлари билан яратилган.

Улар шовқин даражаси паст бўлган сервомоторлар билан, тишли ғатаклар, автоматик тормозлар ва ҳаракатни электрон назорат қилиш тизими билан жиҳозланган.

Оператор назорат панелидан фойдаланиб камера ва объективнинг барча асосий вазифаларни: трансфокатор ва фокус тизимини, диафрагмани бошқаради. Камеранинг ҳаракатини бошқаришда жойстиқдан фойдаланилади. Камера бошқарув тизими буйруқлари ва видеосигналлар (HD SDI, SDI, ёки “composite”) битта оптик кабел орқали узатилади.

Жуда кўп стадионлари баланд ёритиш мачталари билан жиҳозланган ва улар тизимнинг сим арқонларини маҳкамлаш учун жуда мос келади. Агар тадбир бино ичидаги бўлиб ўтаётган бўлса, кабеллар девор ва шифтларга маҳкамланиши мумкин. Бордию бино ичига устун ўрнатиш керак бўлса, у ҳолда енгил вазнли металл конструкциялардан фойдаланиш мумкин.

Тизимга тушаётган юк тўртта сим арқонарга, яъни трассларга тенг тақсимланади. Улардан бири ишдан чиқсан тақдирда бошқалари дарҳол унинг юкини ўзига олади. Авария ҳоатида икки бир-бирига қарама-қарши турган трасслар тизимнинг бор вазнини қўтариб туришга мўлжалланган, учинчи кабел эса тизимнинг тебраниб кетишини олдини олади (тебранишларни ютади). Сўнгра тизимнинг иши автоматик равишда тўхтайди.

Махсус сим арқонлар тизимидан фойдаланиш тизимнинг хавфсизлик талабларини бажарилишини кафолатлайди. Мисол учун, бу каби тизимларнинг барча компонентлари мумкин бўлганидан 12 баравар кўпроқ хавфсизлик чегарасига эга бўлиши керак. Бундан ташқари, синтетик сим арқонлари шундай юпқа (диаметри 4-4,2 мм) ва шундай рангга эгаки, уларни узоқ масофадан кўриб олиш жуда қийин. Ҳаракат моторлари ва механизмларнинг айланиш моментлари тасвирга олиш нуктасининг максимал баландлигини олдиндан аниқлаш имконини беради. Трасслар барабанлардан чиқиб кетиши мумкин эмас. Автомобилларнинг фуникулер тизимларидан “Паук” типидаги камера тизими трасс тортиш механизмининг асосий фарқи – ёпиқ турдаги бундай тизимда ғалтаклар ишлатилмаган. Ёпиқ барабандан трасснинг узилиб кетиши мумкин эмас.

Электр таъминотида узилиш бўланида барабанлар трассларни беихтиёр қўйиб юбориши мумкин. Шунинг учун, ҳамма трасс барабанлари иккитадан бир-биридан мустақил тормоз (доимий магнитли) тизимлар билан таъминланган. Электр таъминотида узилиш рўй берганда улар трассларни автоматик равишда блокировка қиласади.

Реал вақт режимида ишловчи ягона робот тизимига боғланган, кучли тўрт устунларга ўрнатилган мустаҳкам синтетик трасслар тизими гиростабилизатсион головкага турли чайқалишарсиз ҳаракат қилиш

имконини беради. Натижада узун фокус масофали объектив ўрнатиган камералардан фойдаланиш ва эркин ва силлик ҳаракат қилган ҳолда ҳаракатдаги объектларни кузатиш имконияти туғилади. Махсус ишлаб чиқарилган головка катта тезликда ҳаракатланиш ва тормозланиш пайтида юзага келадиган тебранишларни бардош беради ва ҳаракат пайтида пайдо бўладиган чайқалишларни ўзига ютади. Бу эса тизимда турли спорт мусобақаларини тасвирга олиш ва транслятсия қилиш жараёнида замонавий HD форматдаги камералардан фойдаланишга имкон беради.

Ўзбекистонда “Паук” камера типидаги Россиянинг “Мовисон” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган “ROBYCAM” масофадан бошқариладиган тросли тасвирга олиш тизими илк бора Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Насаф” футбол клубининг “Марказий” стадионига 2012 йилда ўрнатилган.

“Марказий” стадион директори Салим Юлдашевнинг айтишича “ROBYCAM” тизими илк бор 2012 йил 6 март куни Осиё Чемпионлар лигаси доирасида “Насаф” ҳамда Бирлашган Араб Амирлигининг “Ал-Жазира” клублари ўртасида бўлиб ўтган ўйинни эфирга узатишда фойдаланилган.

“Стадионимизда ўйинлар ўзимизга тегишли Германиядан келтирилган, энг сўнгги русумдаги КТС орқали, бир вақтнинг ўзида 11 та камера билан, HD форматида тасвирга олинади. Стадион узра ўргимчак камера – “паук” ҳам ишлаб туради<sup>2</sup>. Бу стадиондаги муҳлисларимизга ҳам, телевизорда томоша қиласидан муҳлисларимизга анча завқ бағишлийди” – дейди у [www.uff.uz](http://www.uff.uz) интернет сайти муҳбири билан суҳбатда.

Ўша мавсумнинг иккинчи давра ўйинларининг илк учрашуви – “Насаф”- “Гулистан” баҳсида юқоридан тасвирга оловчи маҳсус “ўргимчак – камера”си (паук) ишлатилмади. Бунинг сабаби ускуна москвалик мутахассислар томонидан профилактика қилинган.

Ўзбекистондаги иккинчи “ROBYCAM” тизими ҳам Россиянинг “Мовисон” компаниясига тегишли бўлиб, тизим “Бунёдкор” стадионида 2013 йилда ишга туширилди.

Ҳар томонлама қиммат ускуна бўлган “Паук” камера тизимларидан ватанимизда фойдаланишда айрим муаммолар ҳам юзага келмоқда. Масалан, “Бунёдкор” стадионидаги тизим ҳозирда ишламаяпти. Тизим ўрнатилганидан кейин икки йил мобайнида хеч қандай муаммосиз ишлаб турган. Бироқ, бир 2014 йилда трос тизимидағи носозлик туфайли тизим “блок” ҳолатига тушиб қолган. Бунга сабаб, тизим бир йилда камида бир марта техник текширувдан ўтказилиши керак ва агар созлаш ишлари зарур бўлса, таъмирланиши керак.

<sup>2</sup> «Nasaf» markaziy stadioni direktori Salim Yuldashevning [www.uff.uz](http://www.uff.uz) internet sayti muhbiri bilan suhbatidan.

Қолаверса тизимдан түлиқ ва түгри фойдаланишни уddyлай оладиган маҳсус мухандис кадрлар керак.

“Бунёдкор” стадионидаги тизимни ишчи ҳолатга келтириш учун Россияга, “Мовисон” компаниясига мурожаат қилиш керак ва катта миқдорда пул тўлаш зарур.

“Бунёдкор” спорт мажмуаси қурилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан бошланган ва 2012 йилнинг 29 август куни фойдаланишга топширилган. “Бунёдкор” стадионининг тантанали очилиш маросими 2012 йилнинг 28 сентябр куни ўтказилган. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов иштирок этган. Стадионни қуриш ва лойиҳалаштириш юртимиз мутахассислари томонидан амалга оширилган. Юртимиз худудида ишлаб чиқарилган маҳаллий қурилиш материалларидан (маҳсус технологик ускуналардан ташқари) фойдаланилган. Қурилиш ва пардозлаш ишлари жараёнида жаҳонга машҳур “БОСЧ” (Германия) ва “СИС” (Буюк Британия) фирмалари хизматидан фойдаланилган.

**SpiderCam тизими.** SpiderCam тизими 1984 йила АҚШда ихтиро қилинган ва бунда SpiderCam тизими тизимидан бир неча йиллар аввал яратилган.

The SpiderCam® тизимининг асосчиси Jehns C.Piters (Женс С. Питерс) бўлиб, унинг ташаббуси билан 2000 йилда Австрияда SSSystems.inc компаниясига асос солинди. Компаниянинг мақсади, устига камера ўрнатилган ва кабел орқали бошқариладиган транспорт қурилмани яратиш бўлган. Бу тизим нафақат горизонтал балки вертикал йўналишда ҳам ҳаракат қила олиши, кенг майдонни ўз ичига олган ҳолда тўлиқ уч ўлчовли ҳаракатни таъминлаши, ҳам бино ичидаги, шунингдек очик ҳавода ишлатилиши режалаштирилди.

Компания ўз мақсадига эришиш учун, бир қанча жиддий тадқиқотлар, кўплаб ҳисоб китоблар олиб борилди, лойиҳалар ва САД-чизмалар тайёрланди. Тизимнинг хомаки яратилган нусхаларини яна ва яна қайта-қайта кўриб чиқилди. Компания илмий ҳодимларининг мақсади аввалдан маълум бўлган стандартлаштирилган ва ишончли компонентлардан фойдаланган ҳолда янги принцип асосида ишловчи модулли бошқариладиган тизимни яратиш эди. Петерснинг ҳамма уринишлари самара берди ва ускуна ҳалқаро патент ташкилотлари томонидан ҳимоя қилинди. Бугунги кунда SpiderCam® савдо белгиси ҳисобланади.

2003 йилнинг сўнгидаги SpiderCam лойиҳаси ўзининг ilk синовидан ўтди: тизим Австриядаги Каринтия концерт залида ҳавога кўтарилиди, муаллақ турди ва турли йўналишлар бўйлаб эркин ҳаракатларни амалга ошириди. 2004 йилда тизим биринчи бор Австрияда телевизион лойиҳада

ишлатилди. Шу йилнинг ўзида С.Я.Петерс Германиянинг PMT Professional Motion Technologies GmbH компанияси билан бирлашди ва SpiderCam® немис бозорига чиқди.

Аввал бошиданбоқ TheSpiderCam® Германиянинг бир неча телекомпаниялари учун фантастик тасвирларни олиб бериши учун мўлжалланган эди ва катта тезликда немис Медиа бозорига кириб бора бошлади.

Шундан сўнг у яна Юнонистон ва Финландияда Эуровисион қўшиқ танловида, Европа кубоги каби катта спорт тадбирларида, Аргентинанинг бир қатор телевизион дастурларида, Австралияда Кйлие Миногуе, Робин Уиллиам концертларида, “Буюк Британия ва политсия” каби жонли эфир тадбирларида, Венгрияда, Мексика ва Испания халқаро футбол ўйинларида, RedBull X-Fighters реклама роликларида ҳам фойдаланилди. PMT GmbH ҳам 35 мили кинотасмада ишлаш учун мўлжалланган камералар учун тизим яратди.

Австриялик ишбилармон Герберт Хефф янги ҳамкор сифатида 2007 йилда Питерснинг компаниясига қўшилди ва янги компания, SpiderCam ГмбХ, (масъулияти чекланган жамият) ташкил этилди. Бу бирлашувдан сўнг бизнес муносабатлар янада кучайди. Швейцария, Буюк Британия, Франция, Португалия, Италия, Полша, Тунис, Австралия ва Хитой каби мамлакатларнинг продюсерлик компаниялари, ўша давлатларнинг телетранслятсия ва кино фильмлар яратувчи компаниялари учун турли асбоб-ускуналар ва SpiderCam тизимлари ишлаб чиқарилди. SpiderCam тизимлари учун ўсиб бораётган талабни қондириш учун SpiderCam GmbH энг юқори сифат ва хавфсизлик стандартларини таъминлаш мақсадида, етакчи операторлар учун тизимдан фойдаланиш бўйича маҳорат дарслари ҳам ташкиллаштирган.

SpiderCam шунтай тизимки, у кино ёки телекамерани аввалдан белгилаб қўйилган вертикал ёки горизонтал йўналиш бўйлаб харакатлантиради. Бундай майдонларга крикет, футбол ёки тенис майдонларини мисол қилиб келтириш мумкин.

SpiderCam тасвирга олиш майдонини тўлиқ қамраб олади ва майдонининг ҳар тўрт тарафига маҳсус металл-конструкцияларга ёки аввалдан мавжуд бўлган, масалан стадионлар ёритиш тизимларининг устунларига, мустахкам ўрнатилган моторли лебёдок<sup>3</sup>лар – чиғирлар воситасида ишлайди. Чиғирларни кевлар кабеллар<sup>4</sup> орқали бошқаради ва бу

<sup>3</sup> lebyodka – lebyodka, chig‘ir, yuk ko‘taradigan mashina.

<sup>4</sup> kevlár (ingl. kevlar) – DuPont firmasi tomonidan ishlab chiqariladigan va para-aramid (poliparafenilen-tereftalamid) tolalardan to‘qiladigan mato. Kevlar matosi juda pishiqlik bo‘lib,  $\sigma_0 = 3620 \text{ MPa}$  pishiqlik

кабеллар гироскопик мувозанатланган головка (каллак) ва камера билан боғланган бўлади. Тизим чиғирлар тизимиға тросларни ўраш ёки уларни бўшатишини буюради, назорат қиласи ва бунинг натижасида трослар ўртасига мустаҳкамланган гироскопик мувозанатланган головка майдон устидаги уч ўлчамли маконда режиссёр истаган позитсияни эгаллайди.

Тизимнинг бошқарув пулти орқали берилаётган буйруқлар тизимнинг бошқарув дастурий таъминоти орқали қайта ишланиб, оптик толали кабеллар воситасида чиғирлар тизимиға узатилади. Битта кевлар кабелнинг ичида иккита кабел жойлашган бўлади ва улардан бири камерани масофадан бошқариш, масалан трансфокатор, диафрагма, обтюратор ва фокус тизимларини бошқариш учун ва иккинчиси камера тасвирга олаётган юқори тиниқликдаги HD сигнални эфир пултига етказиб бериш вазифасини бажаради.

SpiderCam тизимнинг камера ўрнатилган головкасини масофадан бошқариш тизими, камерани турли йўналишларда панорама қилиш, паст ва юқорига қараш, объектив, зум ва диафрагманинг ҳаракатларини таъминлайди. Гироскопнинг датчиги головкани горизонтал ҳолатини таъминлаб туради. SpiderCam тизимини бошқариш учун маҳсус тайёрланган операторлар камера ҳаракати ва тасвирларни назорат қиласи.

SpiderCam GmbH мутасаддилари томонидан SpiderCam тизимни янада такомиллаштириш ва мижозлар талабини қондириш учун маҳсус дастурлар ишлаб чиқиши ишлари билан шуғулланувчи муҳандислик бўлими ташкил қилинган.

SpiderCam тизими ердаги тизимлардан фарқли равишда фазода хеч қандай тўсиқларсиз эркин ва шовқинсиз ҳаракат қиласи ва оператор буйруқларини тўлиқ ва бехато бажаради. Шундай қилиб у бундай эркин ҳаракатлари билан бутунлай янги, ноёб кадрларни тасвирга олишга имкон беради ва томошибинларга бўлаётган воқеани ҳар қачонгидан ҳам яқинроқ масофадан қўришга шароит яратади. Бунга юқори сифатли камера, видео компонентлари билан бирга замонавий компьютер дастурлари, юқори сифатли тармоқ ва чиғирлар технологияларидан фойдаланиш орқали эришилади.

**Тизимнинг ишлаш принципи:** Тўрт моторлаштирилган чиғир тизими тасвирга олиш майдонининг ҳар тўрттала бурчагида жойлашган бўлади. Тўртта кевлар кабеллар камера ташувчиси, яъни устига камера ўрнатилган тизим каллагини (доллй) назорат қилиш, керакли пайтда кабелларни ғалтакка ўраш ва бўшатиши орқали фазода ҳар қандай ўринни эгаллашига имкон беради. Бошқарувчи оператор SpiderCam тизимини уч ўлчам бўйича

---

ко‘rsatkichiga ega. Ilk bor kevlar matosi Stefani Kvoleyk boshchiligidagi tadqiqotchilar guruhni tomonidan 1695 yilda yaratilgan va 1970 yildan boshlab ishlab chiqarila boshlangan.

ҳаракатлантиради. Буйруқлар махсус компьютер дастури ёрдамида қайта ишланади ва чиғир тизимиға узатилади. Бу эса каллакни ҳар қандай вақтда ҳаракатини таъминлайди.

Каллак ҳаракатини назорат қилиш маркази ва чиғирлар тизими ўртасида алоқа реал вақтда оптик толали кабел орқали амалга оширилади. Бошқарув иккита бошқарув пулти орқали амалга оширилади. Биринчи тизим оператори каллакнинг ҳаракатини бошқарса, иккинчи тасвир оператори камерани бошқаради. Кевлар кабел ичидаги оптик толали кабеллар тўқилган бўлиб, уларнинг бири камерани бошқариш, яъни трансфокатор, фокус, диафрагма ва бошқа тизимларни бошқариш сигналларини юборади, иккинчиси олинганд HD сифатдаги тасвирларни эфирга, режиссёр пултига узутади. Каллак ўрнатилган гиросенсорлар, тасвирларни уфқ, горизонт бўйича барқарорлаштиради. Махсус тайёрланган бошқарув оператори SpiderCam тизимининг барқарор ишлани учун ва тасвирга олишдаги барча муаммолар учун жавобгар бўлади.

**Тизимни созлаш:** Телевизион транслятсия, кинофильмларни тасвирга олиш бўладими, ёки очик ҳаводаги тасвирга олиш ишларими, катта ёки кичик майдонларда бўладими: SpiderCam тизимининг модул дизайнни, керакли компонентларнинг енгил вазнга эга эканлиги ва сим арқонларнинг ингичкалиги тизимни деярли ҳар бир жойда муваффақиятли ўрнатишга имкон беради. Вазиятга тўғри баҳо бериш ва тўғри ҳисоб китоблар билан тизим монтажини ҳатто энг ғайриоддий жойларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

**Хавфсизлик:** Хавфсизлик SpiderCam тизимининг энг юқори устувор йўналиши ҳисобланади. SpiderCam тизими Германиянинг БГВ ва БГВ С1 ҳавфсизлик аттестациядан ўтган. Бу эса SpiderCam тизими Европа ҳавфсизлик стандартларининг энг юқори талабларига ҳам жавоб беришини англатади. Халқаро сертификатга эга бўлган Германиянинг SpiderCam тизими Франциянинг ВЕРИТАС Ҳавфсизлик Бюроси томонидан ҳам эътироф этилган бўлиб, SpiderCam тизими ҳавфсизлик талабларига мувофиқ ҳолда томошабинлар устидан учиб ҳаракатланиш хуқуқига ҳам эга.

SpiderCam қурилмасининг ҳавфсизлик тизими фавқулодда вазиятларда ёки носозлик юз берганда автоматик тарзда дарҳол тўхтайди. Бунда бошқарув компьютери томонидан бир неча миллисекундлар ичидаги чиғир тизимиға тизимни тўхтатиш ҳақида буйруқ юборилади ва тормоз тизимларини тезкор активлаштирилади. Тизимни тўхтатиш автоматик равища ёки “фавқулодда тўхтатиш” тутмасини қўлда босиб ҳам бажарилиши мумкин.

### Энг муҳим ҳавфсизлик қоидалари:

1. Кевлар кабелларга тушаётган оғирлик босимини доимий назоратда

тутиш;

2. Тифир тизими томонидан кевлар кабелларни ўралишини назорат қилиш;

3. Тормоз тизимининг созлигини, бошқарув тизими, сервомоторлар ҳамда “фавқулодда тўхтатиш” тұгмаси ўртасидаги оптик толали уланишини доимий мониторинг қилиб туриш.

4. Тизим каллаги Доллайнинг ҳаракат ҳолатини доимий мониторинг қилиш.

Хавфсизлик юзасидан тормоз тизимларининг ҳар бирига иккитадан электр тармоқлари уланган. Бундан ташқари ҳар бир чиғир тизими иккитадан тормоз тизимиға эга. Фавқулотда бирор кевлар кабел узилиб кетген тақдирда уларнинг биттасининг ўзи тизимнинг бор оғирлигини күтариб туриш учун етарлича кучга эга. Агар электр тизимида қувватнинг пасайиши кузатылса, барча тормоз тизимлари автоматик равишда фаоллашади ва тизим блок ҳолатига тушади.

### **Скайсам тизими**

Скайсам тизими – компьютер орқали назорат қилинадиган, автоматик мувозанатлаш тизимиға эга бўлган, кабел-трос тизими орқали ҳаракатлантириладиган тасвирга олиш тизимидир. Тизим компьютер назорати остида кабеллар орқали бошқарилади ва стадион ёки бошқа турдаги майдоннинг устидаги маконда уч йўналиш бўйича ҳаракатлана олади. У спорт мусобақаларини телестранслятсия қилиш жараёнида фойдаланилади ва камерани режиссёр учун керакли бўлган нуқтага олиб келишни таъминлайди. Тизим каллагининг оғирлиги, камеранинг барча қўшимча ускуналари билан ҳисоблаганда 14 кг оғирликка эга ва 13 м/сек тезлиқда ҳаракатлана олади.

Скайсам тизими Garrett Braun томонидан кашф қилинган, Скайсам тизими 2004 йилда WInnercomm.Inc томонидан сотиб олинди. 2009 йил 12 январда эса Winnecomm.Inc Оутдоор Чаннел компаниясининг тармоқ корхонаси бўлган Open Channel Ҳолдинкс Инс., компанияси томонидан сотиб олинди.

**Фойдаланиш.** “СкайСам” ҳам савдо белгиси ҳисобланади. Бироқ, маҳсулотнинг оригинал патент муддати тугаши билан бошқа компаниялар ҳам ўз маҳсулотлари билан бозорга кириб кела бошлади. “СкайСам” атамаси эса ҳар қандай кабел – назорат тасвирга олиш тизимлари учун умумий ишлатила бошланди. Россияда ва МДҲ давлатларида эса бу атама Германиянинг “SpiderCam” тизимиға мурожаат қилинган ҳолда “Паук” типидаги тасвирга олиш тизимлари сифатида номлана бошланди. Фоҳ Спорте ўз тизимларини лойиҳага ҳомийлик қилган Техас Инструментс прожестион метод компанияси кўрсатмасига биноан ДЛП Ултимате Пистуре Сам деб номлашан.

Скйсам тизими ва унга ўхшаш бошқа тизимлар аввалига чекланган фойдаланишда бўлган. 1980 йил ўрталарида технология биринчи бор патентланган, лекин 1990 йилларгача компьютер ва сервоситалар технологиясидаги айrim камчиликлар туфайли тизимнинг тараққиёти бир қадар секин бўлди.

Скйсам тизими оммавий равишда биринчи марта 1984 йилнинг кузида Сан-Диего Миллий Футбол Лигасининг мавсум олди ўйинларининг бирида СБС телеканали томонидан ишлатилган. НБС телеканали Скйсам тизимидан биринчи марта масофадан бошқариладиган тросли Скйсам тизимидан 1985 йилда Оранге Боул спорт мусобақасини эфирга узатишда фойдаланган. Лекин ундан фойдаланиш 2001 йил феврал ойига қадар кенг оммалашмади. ЭСПН биринчи марта Скйсам тизимидан мавсумолди ўйинларини транслятсия қилишда 2001 йилда фойдаланди ва 2002 йилдан бошлаб фаол фойдалана бошлади.

СкйСам ва унинг асосий рақобатчиси Жим Роднунский томонидан ихтиро қилинган СаблеСам тизимлари, шунингдек, МБА ва МХЛ ўйинларининг финал ўйинлари сериясини тасвирга олиш учун Фоҳ Спорт компанияси томонидан 2005 ва 2006 НАССАР мавсумий пойга ўйинларини транслятсия қилиш учун ишлатилган.

Австралияда Нине Нетворк Австралия Футбол Лигасининг 2004 йилги мавсумидаги учта ўйинини тасвирга олиш учун СкйСам тизимидан фойдаланди. Бундан ташқари, ундан гуруҳ ўйинларини тасвирга олишда ҳам ишлатилган.

**Техник кўрсаткичлари.** СкйСам тизими асосий уч қисмдан иборат: ғалтакли-моторли юритгич, камеранинг тасвирга олишдаги ҳолатини бошқарувчи кабеллар тизими ва камерани бошқарувчи марказий назорат тизимида фойдаланиладиган ва оператор томонидан ишлатиладиган компьютер дастури кабилар ташкил топган.

**Ғалтаклар тизими.** Ғалтакли тизимлар стадион ёки бошқа турдаги тасвирга олиш майдонининг тўртта томонига жойлаштирилади. Улар стадионларнинг четидаги ёритиш тизими ўрнатилган металл конструкцияларга, агар доимий конструкциялар мавжуд бўлмаса кабелларни керакли баландликка кўтариш учун маҳсус металл лифт платформалари қурилиб ғалтакли тизим ана шу ерга мустахкамланади. Ҳар бир ғалтак кабел ўровчи ғалтак тизими ва ҳар бири алоҳида компьютерлашган бошқарув тизимида эга бўлган автомат дискли тормоз тизимидан иборат. Кевлар суперўтказувчи кабеллар ўзида тасвирга олинган HD форматдаги тасвирларни узатувчи оптик толали кабелни ҳамда тизимнинг электр ускуналарини ишини таъминловчи мис электр кабелидан иборат. Бундай ҳар бир кабел 272 килограммгача юкни кўтара олади.

**Ҳаракатланувчи платформа.** Тизимда қўлланиладиган ҳаракатланувчи платформа Sony HD камерасини, вертикал ва горизонтал панорама тизимларини ва стабилизатсия механизмини ўз ичига олади. Платформа 45 килограмм оғирликка эга.

**Марказий назорат тизими.** Марказий назорат тизими Линух операцион тизимига асосланган компьютер ишчи станцияси орқали амалга оширилади ва камеранинг ҳаракатини ва олинаётган тасвирни назорат қилиш имконини беради. Тизим иикита: тизимнинг каллак қисми ҳаракатини бошқарувчи оператор ва видео тасвирга олиш жараёнида камеранинг зуум, фокус, диафрагма ва композитсион назоратини олиб борувчи операторлар томонидан бошқарилади. Марказий компьютер тизими каллакнинг ҳаракати жараёнида уни турли тўсиқлардан қочишини, шу жумладан, камера тизимининг ҳар бир жиҳатини назорат қилишга мўлжалланган маҳсус дастурий таъминотга эга.

Пҳото Шип Оне компанияси “ФлайЛине” деб аталмиш патентланган (АҚШ. Патент №9122130) “Саблесам” тизимини ишлаб чиқди. Улар автоном электр таъминотига, яъни аккумуляторга эга бўлган ва фақат иккита таянч нуқтаси ўртасига ўрнатиладиган, ўрнатиш осон ва қулай бўлган бир тизимни яратишга муваффақ бўлишди. Энг профессионал тросли тизимларни ишга тайёрлаш, тизимни ўрнатиш учун катта миқдордаги ишни бажаришни талаб қиласди. Бунинг устига бу тизимларнинг ишчи қисм ва конструксияларини бирор жойга ташиб бориш учун контейнер ва катта юк машиналари керак бўлади ва бу албатта қимматга тушади. Фирма мутасаддилари кам бюджетли фильмлар яратувчиларига тасвирга олишда фойдаланиш учун соддароқ ва арzonроқ тизимни яратишга бел боғладилар ва “Саблесам” тизимини ишлаб чиқдилар.

«ФлайЛине» Саблесам тизими сўнгги бир неча йил давомида бутун дунё бўйлаб мижозлар томонидан фаол ишлатила бошланди. Бу вақт давомида фирма фойдаланувчилардан айрим таклифларни олдилар ва “ФлайЛине” тизимини анча такомиллаштирилар. 2015 йилнинг декабр ойигача компания томонидан 110 дан зиёд «ФлайЛине” тизимлари ишлаб чиқариб мижозларга етказиб берилди.

Кўп таклифлар ва компания мухандисларининг саъй-ҳаракатлари натижасида бугунги кунда тросли тизимлар ичидаги энг мукаммали бўлган “Ултра ФлайЛине” тизими ишлаб чиқилди. Бу тизим тўлиқ бошқариладиган ва ишлаш тизими яхшиланган троc ўраш ғалтак механизми ҳамда ҳаракатланувчи каллакга эга. Тизимга каллакни мувозанатини таъминлаш ва бир текис ҳаракатни таъминлаш учун тўрттагача Кенён КС4 стабилизатсия гирялари ўрнатилиши мумкин. Бироқ, хозирги кунгача фақат 2 та Кенён КС4 стабилизатсия гирялари талаб қилинди ҳолос.

“ФлайЛине” тизимларида фақат икки нуқта, А ва В нуқталар орасига битта трос кабелидан фойдаланиш назарда тутилган. Бу тизимда ҳеч қандай оғир, қыммат ва кўп электр энергиясини талаб қилувчи ғалтакли тизимлардан фойдаланишга хожат йўқ. «ФлайЛине» тизимида ўзгармас ток билан ишловчи мотор-юргизгичдан фойдаланилган. Улар 15 градусдан ортиқ даражадаги қияликда 15 кг атрофидаги юқ билан харакатланиш имкониятига эга. Уларнинг иши литий-полимер батарея томонидан таъминланади. Тизим кабел устидан 45 км/соат.гача тезликка эришиш ёки силлиқ секин ҳаракатларни ҳосил қилиш учун жуда секин – 2 метр/минут тезликда ҳам ҳаракатланиши мумкин.

Тормоз тизими электрлашган бўлиб унда АРБ тизимидан фойдаланилган. АРБ тизими ҳаракатни бир оздан секинлашиб бориши ва оҳиста тўхташ тизимидир. Бу тормоз тизими тормозланиш пайтида ҳосил бўладиган инерсияни батареяни қайта қувватлантиришга йўналтиради. Бугунги кунда жуда кўп янги электр автомобилларда бу тизимдан фойдаланилмоқда. АРБ билан натижалар ажойиб бўлади. Ҳар бир тормозланиш пайтида батарея қувватини тежашдан ташқари, уни қувватлантириб олиш ҳам мумкин, натижа эса батарея қувватини 50% қадар тежалиши деганидир.

Саблесам ФлайЛине сим арқонли тизими Wi-Fi (WирелессЛАН) орқали назорат джойстиги воситасида 1 километр диапазонда (тизимни ишлатиш учун керагидан ортиқ масофа) бошқарилади. Камерадан олинган видеотасвирларни симсиз видео узатиш тизими орқали узатилади. Камера олаётган тасвирларни камера оператори ЛСД дисплей оқали реал вақтда назорат қилиб туради.

Энг кўп бериладиган савол “Тизимнинг батареяси қанча вақт ишлаш учун етади?”. Бу савол жавоб жуда оддий эмас. Сиз тизимга ҳудди электромобилларга қарагандек қарашингиз керак. Электр автомобилларининг электр батарея қувватига баҳо берилганда одатда “уларнинг заряди қанча вақтга етади?” деб эмас, балки “қанча масофани босиб ўтишга етади?” деб сўралади. Шу нуқтаи назардан қаралганда Саблесам ФлайЛине тизимининг қуввати ҳам масофа билан ўлчанади. Унинг қуввати 7-10 километр масофани босиб ўтиш учун етади. Бу, албатта, текис тортилган кабел ва ўртacha тезликни ҳисоблагандা.

Фредлийне тизимига Canon 5Д / 7Д, Canon C300, Sony ФС100 / 700, Ред Эпис ва тахминан шунаша ҳажмга эга бўлган бошқа камераларни ўрнатиш мумкин.

Тизим, ҳудди симсиз бошқариладиган самолёт ёки вертолётлар каби 2.4 ГГс частотада ишловчи бошқарув пултлари ёрдамида назорат қилинади. Биринчи бошқарувчи тизим каллагининг ҳаракатларини бошқарса, камера

оператори олинаётган тасвир ва камеранинг бошқа функсиялари назорати амалга оширилади.

Тизимда ишлатиш учун 8мм қалинликка эга Дйнеема кабели тавсия қилинган бўлиб, унинг хавфсизлик даражаси керагидан деярли 8 баробар мустаҳкамроқ. Компания тизимга қўшиб 200 метр Дйнеема кабеллари ва юқори мустаҳкамликка эга карабинларни тақдим қиласди. Махсус буюртма билан 500 метргача узунликдаги кабелларни буюртма қилиш мумкин.

### **ROBYCAM тизими**

Етти йил олдин, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети “Механика ва математика” факултетида машхур робототехник Анатолий Ленский қўлида таҳсил олган битирувчиларининг бир гурӯҳи, меҳатроника ва робототехника соҳасида лойиҳалар амалга оширувчи компанияга асос солдилар. Биринчи тадқиқотлар саноат ва транспорт соҳаси учун транспорт бошқариш тизимлари соҳасида олиб борилди. Бу соҳа бугунги кунда ҳам энг асосий тадқиқот йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Ёш компанияга кино соҳаси томон йўлни очиб берган инсон – бу оператор Сергей Астакҳов эди ва у компанияга эркин ҳаракатланувчи тросли тасвирга олиш тизимини яратиш ғоясини берди.

Сергей Астахов ғояси устида ишлар 2008 йилда бошланган ва 2009 йилнинг бошида роботлаштирилган “ROBYCAM” камера тизими яратилди. Қисман мамлакатдаги иқтисодий кризис туфайли ва яна ўша пайтларда Россияда симсиз видео узатишга мўлжалланган тизимларнинг йўқлиги сабабли тизимни батамом яратиш муддати бир неча йилга чўзилиб кетди. Бугун “ROBYCAM” тизими “Роботлаштирилган тасвирга олиш тизимлари” компаниясига тегишли бўлиб, у томонидан ижарага бериб келинмоқда.

Компания томонидан бир йил ўтиб иккинчи тизим ҳам ихтиро қилинди. Бу сафар буюртмачи “Студио 8+” компанияси бўлди. Ишлаб чиқилган янги тизим комплексининг асосий ҳусусияти бу унинг кичик ўлчамлари эди. Тизимнинг кичик ўлчамларига мини-камералар учун мўлжалланган Робихеад ХС гиро-мувозанатлаштириш каллакларидан фойдаланиш орқали эришилди. Тизим иккита асосий чиғир тизимларидан фойдаланишини назарда тутиб у фақат мураккаб бўлмаган ҳаракатларни, яъни фақат тепа ва пастга, ўнг ва чапга ҳаракат қилишга мўлжалланган. Бу вариант, масалаки баскетбол ва хоккей майдонида, кичик концерт заллари ва спорт майдончаларида фойдаланиш учун мўлжалланган. Тизим турли тўсикларга тўла, масалан декорациялар, безаклар, турли бошқа обьектлар кўп бўлган вазиятлар учун жуда мос келади. Айни пайтда, бу тизим мини-камералардан фойдаланиш учун мўлжаллаб қурилган жаҳондаги ягона тросли тасвирга олиш комплексдир.

Учинчи комплекс Ўзбекистонда, Қарши шаҳридаги “Насаф” футбол

клуби стадионида ўрнатилди. Тизимнинг барча ускуналари, мосламалари ва назорат қилиш бошқарув пулти стадион дизайнни ва имкониятларига мослаштириб қайта кўриб чиқилган. Рақобатчи компаниялар маҳсулотларига қараганда анча енгил ва бўлган гиростадилизатсия қилинган каллаклар тизимни бу стадионда осон ва таянч устунлар баландлигини қўшимча равишда оширганинг ҳолда ўрнатиш имконини берди. Бу ерга ўрнатилган тизим юқори ҳарорат ва қуёш нурлари таъсирида узоқ вақт ишлатишга мўлжалланган.

Тўртинчи комплекснинг буюртмачиси АНО “Спорт транслятсияси” (“Спортивное вещание”) компанияси бўлди ва бу компания тизимга энг катта талабларни қўйди. Тизим ЗД, ва 2Д режимларда бирдай ишлай олиши керак эди. Тизим ёз ва қиши мавсумлардаги спорт мусобақаларини эфирга узатиш учун ишлатилиши сабабли тизимнинг иш ҳарорати оралиғи – 20 °C дан + 50 °C диапазонни ташкил қилиши талаб қилинди. Комплекснинг чиғир тизимиға 320 метр кабеллар ўралган бўлиб, бу “Паук” тизимиға 2Д режимида 275 метр масофада ва 3Д режимида майдон бўйлаб 200x200 метр квадрат масофада ҳаракатланиш имконини берди.

ROBYCAM тизимиға карбон материалидан тайёрланган РобийХеад Р2, янги гиростабилизацияланган каллак ўрнатилган бўлиб, у тасвирни барқарорлаштириш бўйича асосий вазифани бажариб беради. Каллак ўз ўқи атрофида чекланмаган миқдорда айланиши мумкин.

Sony HDC-P1 видеокамераси ва 14-каррали зумга эга Фужинон объективи билан ишловчи тизим Sony камералари тизими билан осонлик билан интегратсияланади. ROBYCAM тизими эски Легасий стандартини ҳам ва янги Этҳернет асосида ҳам ишлашга мўлжалланган. Комплекс аслида АНО “Спорт транслятсияси” компаниясининг КТСлари билан ишлашга мўлжалланган. Лекин, у ҳеч қандай муаммосиз бошқа конфигуратсияларда ҳам ишлаши мумкин бўлади. Камерани КТС дан ёки оператор бошқарув пултидан ҳам созлаш мумкин.

ROBYCAM тизимидағи камера сигналларни оптик толали кабел орқали бошқарув пултига узатади. Олинган тасвир тизим орқали КТСга юборилади. Тизим ишини икки оператор бошқаради: Биринчиси томонидан тизимнинг ўзи бошқарилса, бошқаси бевосита камеранинг ўзини бошқаради.

ROBYCAM тизими бир қатор маҳсус функцияларга ҳам эга. Биринчиси: чекланмаган миқдордаги планларни (пресетларни) ёзиб қўйиш имконияти, бунда бир тугмани босиши орқали камера автоматик равишида керакли позитсияга бориб жойлашади. Иккинчиси, тизимнинг ҳаракат траекториясини аввалдан киритиб қўйиш имконияти. Бунда тизимнинг майдон бўйлаб ҳаракати ва камеранинг холати аввалдан тизимга киритиб қўйилади ва эфир вақтида керакли йўналишни танлаб тугма босилса бас,

тизим автоматик равища ҳаракатланишга ўтади. Бундан ташқари тизим тезлигини ҳам бошқариш имконияти бор.

Албатта, бундай мураккаб тизимни бошқариш учун, операторлардан баъзи кўникма ва қобилияtlар талаб этилади. Жойстикли тизимлар билан ишлаб юрган мутахассисларга бу тизимда ишлаш бошқаларга нисбатан осонроқ кечади.

### **ROBYCAM тизимларининг ҳарактеристикалари:**

#### **1-комплекс (ROBYCAM 3D):**

Ишлаб чиқарилган вақти: 2008 йил.

Камера: Панасонис АК-ХС1800

Объектив: Canon 11x4.5

Бошқарув пултлари сони: 2 та

Буюртмачи: «Роботизированные съемочные системы»

Максимал тезлиги: 6 метр/сония

Қамров майдони: 150x150 м (Чиғир тизимида 200 метр трос ўралган)

Ишлаш ҳарорати диапазони: – 10 °C дан +50 °C гача

Каллак: Робйхеад Р

Сигнал узатиш тизими: радио/оптик толали кабелдан

#### **2-комплекс (ROBYCAM 2D XS, MiniFly):**

Ишлаб чиқарилган вақти: 2010 йил

Камера: Тошиба ИК-HD1

Объектив: 10x

Бошқарув пултлари сони: 2 та

Буюртмачи: “Студия 8+” компанияси

Максимал тезлиги: 8 метр/сония

Қамров майдони: 90 метр (Чиғир тиимига 100 метр трос ўралган)

Ишлаш ҳарорати диапазони: – 10 °C дан +50 °C гача

Каллак: Робйхеад ХС

Сигнал узатиш усули: оптик толали узатиш

#### **3-комплекс (ROBYCAM ЗД):**

Ишлаб чиқарилан вақти: 2011 йил

Камера: Ҳитачи ДК-Х100

Объектив: Фужинон ЗА14x4.5

Бошқарув пултлари сони: 2 та

Буюртмачи: “Насаф” профессионал футбол клуби (Қарши ш., Ўзбекистон)

Максимал тезлиги: 8 метр/сония

Қамров майдони: 135x125 метр

Ишлаш ҳарорати диапазони: – 10 °C дан +50 °C гача

